## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

# MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT ARXITEKTURA VA QURILISH INSTITUTI

## ME'MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI

(ilmiy-texnik jurnal)

## ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА

(научно-технический журнал)

2016, № 4

2000 yildan har 3 oyda bir marta chop etilmoqda



## ME'MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI

## ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА

(ilmiy-texnik jurnal) (научно-технический журнал) 2016, № 4 2000 yildan har 3 oyda bir marta chop etilmoqda

Журнал ОАК Ҳайъатининг қарорига биноан техника (қурилиш, механика ва машинасозлик соҳалари) фанлари ҳамда меъморчилик бўйича илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилган (гувоҳнома №00757. 2000.31.01)

Журнал 2007 йил 18 январда Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида қайта рўйхатга олиниб 09-34 рақамли гувохнома берилган

**Бош мухаррир -** т.ф.н. доц. С.И. Ахмедов **Масъул котиб** – т.ф.н. доц. Т.Қ. Қосимов

Тахририят ҳайъати: м.ф.д., проф. М.Қ. Аҳмедов; т.ф.д., проф. А. Абдусаттаров; ф.м.ф.д., проф. Ж.А. Акилов; т.ф.д., проф. С.М. Бобоев; т.ф.д., проф. К.Б. Ганиев; и.ф.д., проф. А.Н.Жабриев; т.ф.н., к.и.х. Э.Х. Исаков (бош муҳаррир ўринбосари); т.ф.д. К. Исмоилов; т.ф.н., доц. В.А. Кондратьев; т.ф.д. проф. С.Р. Раззоков; УзР.ФА академиги, т.ф.д., проф. Т.Р. Рашидов; т.ф.д. 3.С. Сирожиддинов; арх.ф.д., проф. О. Салимов; т.ф.д. У.А. Соатов; т.ф.д. проф. Х.Ш.Тўраев; м.ф.д., проф. А.С. Уралов; т.ф.н. доц. В.Ф. Усмонов; т.ф.д., проф. Р.И.Холмуродов.

Тахририят манзили: 140147, Самарқанд шахри, Лолазор кўчаси, 70. Телефон: (8-366) 237-18-47, 237-14-77, факс (8-366) 237-19-53. ilmiy-jurnal@mail.ru

Муассис: Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Обуна индекси 5549

## МЕЪМОРЧИЛИК, ШАХАРСОЗЛИК ВА ДИЗАЙН АРХИТЕКТУРА, ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВО И ДИЗАЙН

#### МУСТАКИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕЪМОРЧИЛИГИ



Ахмедов Мухаммад Қосимович – меъморчилик фанлари доктори, профессор. Шарк мамлакатлари халқаро архитектура академиясининг мухбир аъзоси. 1970-йилда Тошкент Политехника институтини тамомлагач, иш фаолиятини СамДАҚИда меъморий лойиҳалаш кафедрасининг ассистентлигидан бошлаган. Декан муовини (1972-75), кафедра мудири (1979-90), декан (1988-1996), илмий ишлар проректори (1996-2009) лавозимларида ишлаган. 2009 йилдан ТАҚИ да фаолият кўрсатмокда, 300 дан ортик илмий, ижодий ва услубий ишлар, шу жумладан 8 та монография, 1 та дарслик ва 3 та ўкув кўлланма муаллифи, кўплаб магистр ва бир катор фан доктори ва номзодлари тайёрлаган.

В статье прослежены пути становления и развития архитектуры Узбекистана эпохи Независимости. Впервые произведен теоретический и стилевой анализ.

The article is dedicated to the ways of stability and development of the architecture of Uzbekistan in the period of independence. Primarily theoretical and stylistic analyses are produced.

Маълумки, собик шўролар даврида унинг хом ашё етказиб берувчи минтақаси бўлган Ўзбекистон энди ўзининг ноёб енгил саноат моллари, автомобиллари, зукко ёшлари, ғолиб спортчилари билан халқаро майдонларда олкиш ва эътирофга сазовор бўлмокда. Бугун бу озод юрт дунёга кулоч очиб халкаро фестиваллар, саноат ярмаркалари, илмий анжуманлар, спорт мусобақалари, юксак даражадаги турли ижтимоий-иктисодий учрашувлар ўтказиладиган давлат сифатида тан олинмокда. Чунки, она заминдаги муқаддас зиёратгоҳларни обод, азиз авлиёлар рухини шод этиб келаётган бу жаннатмакон юртда қисқа муддат ичида барча халқларни эъзозлайдиган, эркин дам олиб, хур мушохада қилишга чорлайдиган сўлим гўшалар, гўзал иншоотлар, ахоли яшаш ажойиб масканлари бунёд этилди.

Бу санъат севар халқ тасвирий ва амалий санъат, хайкалтарошлик, мумтоз мусиқа ва қушиқчилик, рақс, театр санъати буйича халқаро фестивалларда иштирок этиб жаҳон ахлини лол қолдириб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилларда асрий анъаналарни ўзида сингдирган, креатив гоялар, инновацион, илгор, технологиялар билан сугорилган, туб мустакиллик кадриятлари ва мафкурасига асосланган истиклол меъморлиги шаклланганлигини эътироф этиш лозим. Шуни алохида таъкидлаш керакки, бу ўз-ўзича юзага келгани йўк. Мустакилликнинг илк одимларида қатор сиёсий иктисодий масалаларни ҳал этиш баробарида миллий меъморчилик ва шаҳарсозликни ҳуқуқий йўлга солиш

муаммоси ҳам юзага келди. Шу туфайли Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки йилларида Давлат Қурилиш кўмитаси асосида Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси ташкил қилинди. Тез орада "Турар жой кодекси", "Шахарсозлик кодекси" каби қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар асосида архитектура ва қурилишни ривожлантиришга қаратилган қатор фармойиш ва бошқа меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Шулар асосида илгари мавжуд бўлган лойихасиз қурилиш амалиёти таъқиқлаб қўйилди. Давлат бюджети ва махаллий хокимиятлар маблағи хисобидан шахарлар, қишлоқ ахоли пунктларининг бош планларини тузиш тартиби белгиланди.

Агар бизнинг кучимизга шубҳа қилсанг, бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз курган иморатларга бок, дея бир неча асрлардан бери янграб келаётган асрий бунёдкорлик дил нидомиз тобора равнақ топиб бораётган шаҳар ва кишлоқларимиз, уларни ўзаро боғлаб турган магистрал йўлларимизда ўз аксини топмокда.

Узбекистон меъморлиги ва шахарсозлигининг бугунги ютуклари хакида сўз борганида, унинг нафакат кенг кўламда ривожланаётганлиги, балки мохият жихатидан у тамоман янги кўриниш касб этаётганлигига эътибор қаратиш керак. Айнан мана шу омил истиклол меъморлиги аломатларини белгилаб беради. Буни куйидагича тоифалаштириш мумкин:

1. Янгича саноат бинолари меъморлиги-

нинг юзага келиши (нефтни қайта ишлаш заводи, автомобил заводлари, металл қуйиш заводи, мотор заводи, гилам тўқиш, ип-газлама ва кийим кечак ишлаб чиқариш фабрикалари ва бошқалар);

- 2. Қадриятларни қайта тиклашга қаратилган муқаддас зиёратгохлари мажмуалар меморлигининг вужудга келиши (Имом ал-Бухорий, ал-Фарғоний, Ҳазрати Имом, Авесто, Алпомиш ва бошқа кўплаб мажмуалар);
- 3. Шўролар даврида нохак шахид кетганлар ва жахон урушида курбон бўлганлар хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуаларининг бунёд этилиши;
- 4. Шаҳарсозликда мавжуд бўлган анъанавий чорбоғлар силсиласидан келиб чикиб, янги миллий анъаналарга йўгирилган (ландашфт) манзарали меъморчилик йўналиши шаҳарлар экологиясини яхшилашга қаратилган яшил белбоғ концепциясининг вужудга келиши, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда инновацион хамда креатив гояларга асосланган янгича-дарахт, бута, ўсимлик, гуллар кўлланиладиган ландшафт дизайни ва фавворасозликнинг кўлланилиши;
- 5. Хусусий ва бошқа нодавлат сектори ҳисобидан (шу жумладан корхона ва фирмалар) инвестициялаштиришига асосланган ўрта қаватли ва кўп қаватли уйсозликнинг шаклланиши:
- 6. Анъанавий гузар, хиёбон ва савдо расталари гоясига асосланган пастки қаватларида кичик ва ўрта бизнес объектлари жойлаштирилган, шахарни (одатда темир йўл вокзалидан аэропортгача) кесиб ўтган марказий кўча мисолидаги шахарсозлик элементларининг яратилиши;
- 7. Ўрта мактаб, лицей, колледж, олий ўкув юртлари мажмуалари, ижтимоий-таълим муассасалари меъморлигининг вужудга келиши;
- 8. Йирик қишлоқлар бош планларини тузиб, қолган барча қишлоқларни фукоролар йиғини худудлари чегарасида меъморий-тархий ташкил этилиш (АПОТ) амалиётининг йўлга қўйилиши. Илгари мисли кўрилмаган комфортга эга бўлган намунавий лойихалар асосида ривожланаётган қишлоқ уйсозлигининг йўлга қўйилиши;
- 9. Маданий мерос объектларини таъмирлашда ягона мухит ва маскан тарзида, ландшафт элементларини кўллаб ёндошишнинг вужудга келиши. Ёдгорликлар атрофида замонавий ландшафт дизайнидан фойдаланиш;

Юқоридаги аломатлар мустақилликнинг туб мохиятидан келиб чиққан бўлиб, бу хусусиятларнинг аксарияти фақат Ўзбекистонга хосдир.

Шу туфайли Имом ал-Бухорий (Самарканд вилояти), Шахидлар хотираси, Халкаро форумлар саройи, Маърифат маркази (хаммаси Тошкент), Алпомиш мажмуаси сингари юзлаб бетакрор иншоотлар яратилди.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, қадамжоларнинг ободонлаштирилиши, узок тарихий даврларда миллатнинг фахри бўлган шахсларни улуғлаш ғоясини ўртага ташлади. Имом Бухорий, ал Хоразмий, ал Фарғоний, Ғиждувоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари зотларни улуғлайдиган ўнлаб мемориал мажмуалар, Хотира майдонлари юзага келди. Узига хос мемориал мажмуалар тиклаш йўналиши шакл-Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Карши, Қуқон, Шахрисабз ва бошқа тарихий шахарларнинг меъморий ёдгорликлар жойлашган худудлари ўзига мос замонавий усулда, туристларга қулай тарзда ободонлаштирилди ва ободонлаштирилмоқда. Мехмонхоналар тизими ривожлантирилди, туризм даромад манбаига айланиб бормоқда.

Бу борада мустакиллик йилларида Ўзбекистон шахарсозлигида хам талайгина ишлар қилинди. Чунончи Самарқанддаги Кўн заводи, Спирт-арок заводи, Трикотаж фабрикаси, Бухорода Пахта заводи, Гўшт комбинати, Фарғонада Ёғ-экстракт заводи, Андижон, Ургенч ва бошка шахарларда собик шўроларнинг марказга йўналтирилган иктисодиётига каратилган талайгина бўш ётган саноат корхоналари ва улкан складлар худуди янги мақсадларда қайта бошдан планировка қилинди. Бу худудларнинг аксарияти савдо-сотик муассасалари ёки кўкаламзорлаштирилган майдонлар сифатида ишлатилмокда. Лекин хали хануз бўш ётган мана шунга ўхшаш талайгина саноат корхоналари худудларидан самарали фойдаланилмаяпти. Бунга эски шахарсозлик меъёрлари ва усуллари йўл кўймаяпти. Шунинг учун хам эски усуллардан воз кечиб, Республикамиз шахарсозлигида юртбошимиз ташаббуслари билан амалга оширилаётган ишлар чуқур илмий тахлил килиниб, шахарсозлик амалиётига кенг татбик этилмоғи лозим.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқлим шароитини ҳисобга олиб, шаҳарсозликда ландшафт архитектурасини қўллаш йўналиши юзага келди. Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврида кенг ривожланган декоратив боғ-роғлар ва чорбоғлар, фавворалар бунёд қилиш санъати давом эттирилиб, Тошкент шаҳрида Аква парк, Шаҳидлар ҳотираси мажмуаси, Алишер Навоий номидаги миллий боғ ва ўнлаб бошқа боғлар, фавворалар ландшафт меъморчилиги-

ни янгича боскичга кўтарди. Тошкентдаги Бўзсув ва Ургенчдаги Шовот каналлари ёкасидаги оромгохларнинг яратилиши сохилбуйи архитектурасини юзага келтирди. Буларнинг барчаси янги технологиялар асосида амалга оширилмокда. Ховуз ва фаввораларни лойихалашда янгича технологиялар қўлланилмокда, янгича суғориш, жумладан автоматик сув пуркагичлардан фойдаланилмоқда. Илгари дарахтлар тури ва кўринишига етарли эътибор берилмаган бўлса, эндиликда каштан, қарағай, катальпа сингари хавони яхши тозалайдиган, қуюқ соя берадиган, тикка ўсадиган, одам организми учун зарур бўлган фитонцидлар ишлаб чиқарадиган турли дарахтлар, гул ва буталарнинг янгича турларига кенг ўрин берилмоқда. Мустақиллик даври шахарсозлигининг инновацион ғояларидан яна бири Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро ва бошка шахарлар мисолида тадбиркорлик объектларини ўз ичига олган ўрта қаватли турур жойлардан ташкил топган шахар марказий магистралларини шакллантириш фаолиятидир. Бу амалиёт анъанавий расталарни замонавий технологиялар асосида қайта тиклаш харакатидан келиб чиққан бўлиб, халқ учун қулай ва Европа шахарсозлигида бугунги кунда қўлланилаётган усулга мос келади.

Мустақиллик даври жамоат биноларининг иншоотлари монументал каторига Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Темур ва темурийлар тарихи музейи мажмуаларини киритиш мумкин. Олий Мажлис биноси ўзининг бадиий ечими жихатидан бетакрор хисобланади. Унинг тўрт томонини ихоталаб турган муҳташам устунлар халқини бошида кўтариб турган давлат ва адолатли конун тимсолини англатади. Бу иншоот халқ хокимияти ягона олий хокимият эканлигини ифодалайди. Устунлар ортидаги ойнаванд девор халқ хокимиятининг бу ерда қабул қилинадиган қонун ва қарорларининг шаффофлигини акс эттиради. Бино томининг гумбаз тарзида килинганлиги эса миллий кадриятларнинг эъзозланиши, осмоннинг мусаффолигини, бутун мамлакат ягона конституция мухофазасида эканлигини билдиради.

Темурийлар тарихи музейи эса унинг яқинида отда викор тўкиб турган Сохибкирон салтанатининг бардавомлигини билдиради. Амир Темур хиёбони ва унга туташган Темурийлар тарихи музейидан ташкил топган қуш халкадан иборат ансамблга мос қилиб халқаро симпозиумлар саройи ва иккинчи курант тикланиб гўёки, қуш маёқ яратилгандек булди. Тошкент марказини безаб турган бошқа икки

йирик иншоот- Халқаро симпозиумлар Саройи ва Маърифат маркази ўзининг махобати билан атрофдаги иншоотларга ўзгача улуғворлик касб этиб турибти. Уларнинг биринчисининг бош тарзида кўлланилган анъанавий пешток шаклининг янгича трактовкаси меъморликда новаторлик хисобланади. Бу ерда қўлланилган мармар устунлар ўзининг шакли, нисбатлари билан бино ўрнатилган платформага салобат бахш этиб, ўзбек халқининг юксакликка интилаётганлиги, унинг халқаро хамдўстликда тутган тенгма-тенг, мухим ўрнидан далолат беради. Бино пештокининг мукарнаслар билан безатилган изораси ўзбек халқи ўз аждодлари тожига мустақиллик туфайли яна эгалик қилишга эришганлигини ифодалайди. Юртбошимиз мустакиллик меъморлигига янгитдан олиб кирган гумбаз, устун, тождор шакллар бу ерда ўзгача бадийликка эга. Бинобарин Темурийлар тарихи музейидаги айланасимон тож Сохибқирон салтанатининг маданийпарварлик анъаналари давом этаётганлигининг англатса, Симпозиумлар Саройидаги тож маълум даражада шохона тожнинг тиллакош сингари шаклларини ифодоловчи мотивлар билан уйғунлашиб кетган. Бино олд тарзида Самарқанддаги Шердор мадрасасининг қаносида қўлланилган шер ортида шўъла солиб турган қуёш тасвири махаллий подшохларнинг қадимий герби эканлиги тўгрисидаги маълумот Амир Темур салтанатига ташриф буюрган испаниялик элчи Клавихо маълумотларида келтирилган. Бино томида чарх уриб раксга тушаётган турналар тимсоли бу юртда барқарор осуда ҳаётнинг таъминланганлиги, мамлакатнинг бетараф эканлигини, ҳалқнинг тинчликсеварлигини акс эттиради. Шуни алохида эътироф этиш керакки, мустакиллик меъморлиги ва шахарсозлиги иншоотлари шунчаки зарурат учун вужудга келгани йўк. Унинг замирида юксак маънавият, ягона эзгулик ғояси ётади. Бинобарин сўнгги йилларда шакллантирилаётган Нурафшон кўчасининг шимолий ва шимоли-шаркий сархадлари 12 дарвозали ўрта асрлар шахар деворлари контурини ифодалайди. Бу ерда илк бор қўлланилган битта зина майдончасидаги уч авлод квартираларининг бүнёд этилганлиги халқимизнинг фарзандлари ва неваралари билан яшаш хакидаги анъаналари билан боғлик азалий орзуларининг рўёбга чиққанлигини ифодалайди ва архитектурада янгилик хисобланади. Мустақиллик меъморлигининг яна бир аломати бу- биноларнинг ўзбек анъанавий иморатсозлигига хос бўлган ансамбллар тарзида қурилишидир. Урта асрларда бунёд этилган Самарқанддаги Регистон, Бухородаги Лаби

Ховузи Девонбеги, Хивадаги Мухаммад Рахимхон ансамбллари анъаналари истиклол даврида Тошкентдаги Хазрати Имом, Навоий номидаги Миллий боғ, Мустақиллик майдони, Урганчдаги Шовот канали ёкасида бунёд қилинган ансамбльларда давом эттирилганлигини эътироф этиш керак. Тошкентдаги Миллий боғда дастлаб құлланилган күшкда турган Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилаётган чоғда юртбошимизнинг бу ерда улкан ансамбль яратиш ғоясини ўша пайтда баъзилар ҳали тушуниб етмаган бўлса керак. Зеро, бугунги кунда бу ерда мавжуд бўлган "Истиклол" саройи билан ягона композицион ўкда Алишер Навоий хайкали ва "Наврўз" тантаналар амфитеатрининг яратилиши юртбошимизнинг Олий Мажлис биносининг құрилиши чоғидаёқ бўлажак ансамбльга асос солинганлигидан далолат бериб турибди. Ўзаро кесишган икки композицион ўкда жойлашган бино ва иншоотлар уларнинг атрофидаги канал, ховуз, каскад фавворалар, ҳайкаллар ва кўкаламзорлаштириш элементлари билан биргаликда ягона, бетакрор ландшафт ансамблини шакллантириб турибди. Буни илгари кўримсиз холатда бўлган бугунги кунда Эзгулик аркаси, Бахтиёр Она, Хотира майдони, Сенат боғи, мустақиллик Чорбоғи, Анхор сайлгохи сингари қатор ландшафт ансамблларидан ташкил топган пойтахтимизнинг Бош майдони мисолида кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда бизнинг замонавий меъморлигимиз ва шахарсозлигимиз- "истиклол нима берди?,"- деган саволга яққол жавоб хисобланади. Қишлоқ ахолиси пастаккина қилиб, қамиш бостириб қурилган уйлардан бугунги кунда шахарга хос бўлган инфраструктурага эга бўлган намунавий лойихалар асосида қурилаётган кўркам уй ва замонавий махаллаларга кўчиб ўтмокда. Халқ энди пастак иморатлар қурмаяпти, қишлоқда ҳам шаҳарсифат уйлар барпо қилинмоқда. Мана сизга истиклол неъмати! Кўриниб турибдики, истиклол меъморлиги ва шахарсозлигининг 25 йиллиги ютукларини биргина маколада ифодалаб бўлмайди. Унинг энциклопедияси яратилиш лозим. Буни мисоли сифатида қуйидаги айрим маълумотларни курсатиб утиш кифоя:

2013 йилда 10 млн 744 минг метр квадрат уй жой фойдаланишга қабул қилинди. Агар 1991 йилда аҳолининг уй жой билан таъминланиши ҳар бир киши бошига ўртача 12,4 метр квадратни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу курсатгич 15,4 метр квадратни ташкил килди. Жами уй жой фонди 2014 йилга келиб 1991 йилга нисбатан 1,8 баравардан ошиб кетди.





Бугунги кунда Республикамизда ҳар 1000 кишига 495 метр квадрат уй-жой қурилмоқда. Ваҳоланки бу кўрсатгич Россия Федерациясида 392 м² ни Қозоғистон Республикасида эса 262,8 м² ни ташкил этади. 1

2016 йилнинг охиригача бўлган турли муддатларда Ўзбекистонда 371 та умумтаълим мактаблари, 123 та академик лицей ва профессионал коллежлар, 158 та соғлиқни сақлаш муассасалари объектлари, 269 та спорт, музика ва санъат мактаблари иншоотлари, 570 та сув таъминоти объектлари, 128 та бошқа турдаги бино ва иншоотлар (турар-жой ва жамоа бинолари бундан мустасно) ишга тушурилиши режалаштирилган.

Жорий йилнинг охиригача фойдаланишга топшириладиган фақат турар жойларнинг ўзигина 13000 тани, ёки 1 млн 820 минг метр квадратни ташкил қилади. "Соғлом она ва бола йили" тадбирлари доирасида шу соҳага бағишланган 21 объект ишга туширилади. Сўнгги йилларда коммунал- маиший соҳа тармоқларини ривожлантиришгакатта аҳамият берилмоқда.

Чунончи 300500 км сув тармоқлари, 296300 км электр тармоқлари, 307500 км газ тармоқлари, 264800 км ички йўллар қурилиши

6

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат арҳитектура ва қурилиш қумитасидан олинган.

режалаштирилган. Бундай амалий ишлар ичида кишлок ахолиси учун килинаётган тадбирлар айникса диккатга сазовордир. Зеро, 2011-2015 йилларда кишлок уй-жой массивларида: 1595 км сув тармоклари, 1297 км электр тармоклари, 1665 км газ тармоклари,1200 км йўл ва кўчалар фойдаланишга топширилди. Шу давр мобайнида 1505 та ижтимоий соха ва бозор инфратузилмаси объектлари курилиб, фойдаланишга топширилди. 2016 йилда эса 175 та ижтимоий соха ва бозор инфратизилмаси объектларини куриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Юқоридаги таҳлилдан шу нарса кўриниб турибдики, ўзбек халқи чинданда бунёдкор

халқ. Буни қисқа муддатда амалга оширилган юкоридаги ишлардан ташкари Кизилкум сахроси оралаб Қорақалпоғистонга, Бойсун оркали Термизга, Камчик довони оркали, тоғ бағрини кесиб ва тешиб Фарғона водийсига олиб борувчи Ангрен-Поп темир йўлининг қурилганлигини кўрсатиб ўтиш Ўзбеклар фарзанд кўришганда тўй беришади, агарда фарзанди ўғил бўлса, унга атаб, катта бўлганида иморат қуриб бераман деб дарахт экишади. Мана шу азалий орзу ва химматинг тобора ривожланиб, амалга ошиб бораверсин халқим. Фарзандинг, дарахтинг, иморатларинг, шон-шухратинг тобора ошиб бораверсин хур Ўзбекистон.

### АРХИТЕКТУРАДА СИНЕРГЕТИКА: МЕЪМОРИЙ ДУНЁКАРАШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ



Уралов Ахтам Синдарович — архитектура фанлари доктори Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Шарк мамлакатлари халкаро архитектура академиясининг мухбир аъзоси, 300 дан зиёд илмий маколалар ва тезислар, 10 та монография ва рисолалар, 8 та фандан дарслик ва ўкув кўлланмалар, Давлат гранти асосида бажарилган 3 та илмий—амалий лойихалар муаллифи. Унинг илмий рахбарлигида 1 нафар фан доктори, 3 нафар фан номзоди тайёрланган. Кафедра мудири ва факультет декани лавозимида фаолият кўрсатган.

Архитектура и синергетика: связь этих дисциплин даст нам новые возможности для определения путей развития не только для современной архитектуры, но и для архитектуры будущего. В архитектурной науке Узбекистана эта тема рассматривается впервые.

Architecture and synergetrics: connection of these disciplines will give us new possibilities for definition of ways of development not only for Modern architecture, but also for architecture of the future. In an architectural science of Uzbekistan this theme is observed for the first time

Бугунги кунда олимлар синергетикани замонавий тадқиқотчиларнинг ўзаро хамкорлиги ва фанлараро илмий йўналиши тарзида таърифлаб, айни пайтда, уни янги илмий услуб, илмий изланишлар учун етакчи усул сифатида ҳам кўрсатмоқда.

Синергетика кейинги йилларда илмий тадкикотлар ва фанларнинг турли—туман сохаларига кучли тўлкин тарзида кириб келмокдаки, бундан албатта архитектура ва шахарсозлик хам четда колмаяпти. Кейинги йилларда бу сохада чиккан маколалар билан танишиш шуни кўрсатмокдаки, олимлар ва мутахассислар синергетика атамасини ва ушбу фан таклиф этаётган илмий услублар ва ёндошувларни хам ўз сохаси ва фанларига мослаган тарзда талкин этмокдалар [1; 2].

Синергетикадан бугунги кунда нафакат физиклар, биологлар, математиклар, балки тарихчилар, социологлар, психологлар, лингвистлар, экологлар, иктисодчилар, теологлар, санъат-

шунослар ва, нихоят, мана архитекторлар хам фойдаланмокдалар [4].

Шу муносабат билан мен мазкур маколада синергетиканинг архитектура билан қай даражада боғлиқлигини, архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги тадкиқотлар ва лойиҳалаш жараёнларида синергетиканинг қайси усулларини қуллаш ва, умуман, архитектурада синергетикадан қандай фойдаланиш ёки у орқали архитектура ва шаҳарсозликнинг қайси муаммоларини ҳал қилиш ва ечиш мумкинлиги ҳақида туҳталиб ўтмоқчиман.

Биз биламизки, ҳар қандай шаҳар муайян бир меъморий-режавий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва экологик тизимга эга бўлади ва шу тизим билан яшаб фаолият кўрсатади. Шаҳар фаолиятининг қай даражада самарали ёки самарасиз эканлиги ушбу тизимнинг қанчалик пухта ташкил этилиши, шаҳарда фаолият кўрсатаётганлар ва яшаётганлар учун қанчалик қулай шарт-шароитлар ва им-

кониятлар яратилаётганлигига боғлиқдир. Бу шарт-шароитлар ва хар қандай ижтимоий функциянинг ечимида албатта архитектура ётади ва у билан таъминланади. Шахар ахолисининг диди, онги, эстетик савияси хам ана шу архитектурада намоён бўлади. Муайян бир давр архитектураси эса ўз навбатида ушбу давр ва жамиятнинг ижтимоий-эстетик эхтиёжларини қондиради, ушбу даврнинг илмуфани, иқтисодиёти ва техник тараққиётини ўзида акс эттиради. Кўриб турибмизки, шахар ва унинг архитектураси жамият ижтимоийиқтисодий тизими, унинг ижтимоий функциялари, илмий техник тараққиёти, маданияти, моддий ва эстетик имкониятлари билан боғлиқ экан. Демак, архитектура шу сохалар билан боғлиқ холда, улар билан хамкорликда ўз фани ва амалиётини такомиллаштириши ва ривожлантириши керак. Бундай хамкорлик бизни хохлаймизми, хохламаймизми, "синергетика"га етаклайди, синергетиканинг имкониятларидан фойдаланишга даъват этади. Чунки синергетика турли сохалар ва фанлардаги ютукларни бир-бирига синтезлаштирувчи, хамкорликда харакат қилувчи илмий изланишларнинг нисбатан янги, ёш йўналишидир.

Синергетика атамасини илмий адабиётга илк бор ўтган асрнинг 70-йиллари бошида немис олими, физик Герман Хакен киритган. У синергетикани қадимги юнонча "синергейя" сўзидан олган бўлиб, бунинг маъноси биргаликдаги харакат, яъни хамкорликни билдиради [3]. Аслида Г. Хакен бу сўзнинг асосида бирор-бир яхлит структуранинг, тўғрироғи лазернинг шаклланишида уни ташкил қилувчи қисмларнинг харакатидаги ўзаро мутаносибликни, яъни хамкорликни тушунган [3]. Хакеннинг айнан ана шу тушунчаси архитектурага ўта монанддир. Яъни архитектурани хам яхлит бир структура деб қарасақ, уни ташкил этувчи барча кисм ва шаклларнинг пропорцияси ушбу яхлитга монанд, яхлитнинг эса кисмларга мос келиши, уларга мутаносиб бўлиши, улар биргаликда ва хамохангликда яхлит бир структурани, хажмни ташкил этиши зарур. Хар бир архитектуравий объектга айнан ана шундай хамоханглик конунияти хосдир. Бу қонуният асосида яратилмаган архитектура объекти-бу архитектура эмас, балки оддий иморатдир.

Биламизки, архитектура инсоният учун яратилади. Инсоният эса ҳамма вақт табиийликка, табиатга мухтож. Ҳатто инсоннинг ўзи ҳам ана шу жонли табиатнинг маҳсулидир. Шундай экан инсоният учун яратилаётган архитектура ҳам табиат қонуниятларига бўйсиниши, улар-

ни ўзига сингдириши, уларга ҳамоҳанг тарзда, табиатдаги биологик, экологик ва табиий гўзаллик конуниятлари билан ҳамкорликда яратилиши керак.

Бирок, у бизда Собик Иттифок даврида ва хозиргача хам асосан қандай кўриниш ва шаклларда яратиб келинмокда? Тўгри чизикли сиртлар ва шаклларга асосланган оддий "гугурт қутиси" шаклида!? Ёки тик, ёки ётган кўринишда. Биз пишик ғишт, бетон ва темир бетон, темир бетон панелларидан ишланган "гугурт қутилари" ичига мухрландик. Қани бу ерда табиат, қани табиийлик? Биз архитекторлар ўз ишимиз ва лойихаларимизда табиат шакллари ва экологик тоза технологияларга, табиат билан хамнафас биологик шакллар ва сиртларга ўтмас эканмиз тараққиётимиз келажагига бархам берган бўламиз. Ана шундай ғоя асосида иш олиб бораётган дунё архитекторлари бугунги кунда "Био – ёки Экоархитектура" деган йўналишларни кашф қилдилар. Бу йўналишларнинг ривожи тамоман синергетика илмининг методларини қўллаш ва улардан фаол фойдаланишга, архитектурада гугурт кутисига ўхшаш шакллар ва сиртларга, яъни хиссиётсизликка, бир хиллиликка қарши чиқишга Биоархитектуранинг асосланган. асосчиси америкалик архитектор Луис Саливандир. У XIX аср охиридаёк "инсон табиий ландшафт мухитига мос биноларда яшаши ва шундай биноларни яратиши керак", деган ғояни олға сурган эди [5].

Собик иттифок даври архитектурасида, эсласангиз, ана шундай янги йўналишларга эътибор берилмаганлиги оқибатида биноларнинг типовой лойихалари барча республикаларга мажбуран тарқатилар, натижада Москвада ёки Тошкентда қурилған бинолар бирбирига ўхшаш тарзда куриларди. Хар йили янги йил оқшомида бериладиган машҳур русча "С легким паром" ("Қушдей энгил бўлинг") деган фильмни эсланг. Унда Москва ва Ленинградда курилган уйларнинг архитектураси нафақат тамоман бир-бирига ўхшаш, балки улар ичидаги мебеллар, эшик қулф ва қалитлар хам бир-бирига мос келади. Кинонинг яратилишидан асосий максад хам айнан ана шуархитектурадаги типовой лойихалар гегамонлигига қарши чиқиш эди. Чунки типовой лойихаларда хам ўша-ўша эски "гугурт қути"сидан нарига ўтилмасди. Натижада Собик Иттифок архитектурасида шундай холат юзага келдики, буни синергетика тили билан айтганда "бифуркация" ҳолати деб аташ мумкин эди. Шунинг учун хам ушбу фильм яратилди. Нафақат архитектурада, балки бутун совет жамияти тизимида ҳам шундай ҳолат рўй берди. Бунга ҳаммамиз гувоҳмиз. Сўнг нима бўлади дейсизми? Сўнг сиёсий ва ижтимоий тизимда синергетика ибораларига кўра "катастрофа", "децентрализация" ёки "глобал портлаш", кескин бурилиш рўй берди.

Типовой лойихалаш сиёсатидаги "бифуркация" холати архитектурада янги эстетик дунёкараш ва сифат ўзгаришининг шаклланишига сабаб бўлди. Бундай дунёкараш энг аввало ривожланган хорижий давлатлар архитектурасида рўй берди.

Ривожланаётган Европа, Осиё, Америка қитъаси мамлакатлари архитектурасида хозирда шаклланиб улгурган "биоархитектура" йўналишида нафақат экологик тоза табиий қурилиш материалларидан, балки жонли табиатга үйгүн, унга мос силлик сферик чизик ва шакллардан фойдаланиш ва шу йўл билан инсониятнинг табиатга бўлган эхтиёжларини қондиришга, айни пайтда архитектурада рангбаранглилик, бир хиллиликка қарши инсон дидига мос, хиссиётларга бой бадиий образлар яратишга қаратилган. Биоархитектура баъзида ажойиб силлик чизиклар билан чегараланган модернни эслатади. Биоархитектура услубидаги иморатлар ўзининг тўлкинсимон, окувчан ва сочилувчан чизиклари, сочилувчан фактураси ва бир-бирига "оқиб ўтувчи" текисликлари билан ажралиб туради. Бу ўзига хос пластик услуб ҳам бўлиб, архитектурада эгри, силлиқ чизиклар уйғунлигидан иборат. Биоархитектура чизиклари океан тўлкинини, чирмашувчи лианалар, чиғаноқ ёки бодринг сирти каби шаклдаги чизикларни эслатади. Биоархитектурага ўткир бурчаклар, ясси текисликларнинг ўзаро кесишуви, кескин акцентлар бегонадир. Бу услубда ишловчи архитектор ва дизайнерлар табиат чизикларига таклид килишади. биоархитектура объектларининг образи тирик организмлар шакллари: ипак қурти кукуни, дарахт ва гуллар шакллари, ўргимчак тўри, асаларилар уяси, капалак, чигиртка каби шаклларга, яъни жонли табиатга, флора ва фаунанинг турли-туман биологик шаклларига асосланган (1-расм).

Бунинг учун бундай архитектура ижодкорлари факат архитектура ва курилиш фанлари сохаси билан чекланиб колмасдан, бошка фанлар: биология, табиатшунослик, агротехника, социология, математик моделлаштириш ва компьютер технологияси фанлари ютукларидан хам унумли фойдаланиб келмокдаки, уларнинг ютуклари эса синергетик методларга, яъни хамкорликдаги харакатларга асосланган.










1-расм. XX аср охири XXI аср бошларида шаклланиб хорижий давлатларда кенг таркалган биоархитектура йўналишининг лойихалари ва бинолари: А-Хавер Сеносианнинг чиганокка ўхшатиб курилган уй интерьери; Б-Лондон шахрида куришга мўлжалланган "Бодринг" лойихаси; В-Абу Дабидаги "Садият" оролида бинони куш пати образига ўхшатиб куришга мўлжалланган Шейх Зайед номидаги Миллий музейнинг лойихаси.

Дунёдаги хозирги замонавий архитектура объектлари орасида энергоэффектив бинолар, "ақлли уй"лар, шаклланиши синергетиканинг "фракталлик" принципларига асосланган иншоотлар хам мавжудки, булар хам ўша "био" ва "экоархитектура" йўналишлари билан, асримизнинг илмий техник ва технологик тараккиёти, жамиятнинг глобал сакраши ва стили хамда синергетика билан чамбарчас боғлиқдир. Архитектурадаги бу янги йўналишлар ва тадқиқотлар бир-бири билан синергетиканинг мураккаблик холатдаги умумий ғояси, яъни хар қандай организм-бу ички ва ташқи боғланишларга эга бўлган, ночизикли курилиш қонуниятларига бўйсунувчи мураккаб тизим, яъни системаки, у ўзининг хусусий ривожланиш жараёнига эга деган ғоя билан боғланган. Дархакикат, синергетика нуктаи назаридан исталган архитектуравий маскан ёки хажмий мухит, биринчи навбатда, қандайдир ички ёки ташқи таъсирлар (субъектив ва объектив омиллар) натижасида худди тирик организмлардаги каби доимо ўзгариб турадиган тизим, яъни системалир.

Шундай қилиб, архитектура, ҳам жараён тарзида, хам ушбу жараённинг натижаси сифатида синергетиканинг объектлари қаторига киради. Синергетиканинг билимдони, архитектор Ф.Е. Фесенконинг фикрича, архитектура ва шахарсозлик сохасида синергетик методологияни кам деганда 4 та йўналиш бўйича қўллаш мумкин: урбанистика, архитектура ва шахарсозликдаги шаклланиш жараёни, меъморий ижод психологияси ва архитектура тарихи [4]. Меъморчилик тарихи билан ўтган асрнинг 80-йиллари ўртасидан бошлаб шуғулланган ушбу олим, Россия архитектурасининг X-XXI асрлардаги ривожланишида муайян қонуниятларни аниклашга муваффак бўлган ва бу ривожланишнинг энг чуккиси ва суниш циклларини кўрсатган холда (модернизм, посмодернизм), уларни ўз ишида циклик моделлар тарзида акс эттирган.

Архитетурадаги фрактал шаклланишлар бўйича эса амалиётчи архитекторлар Ч. Женкс ва Ц. Хакерларнинг изланишлари хамда "Аркигрэм" номли британиялик ижодий гурух (Питер Кук, Уорен Чок, рон Херрон ва бошкалар)нинг ночизикли шакллантириш усуллари эътиборга лойикдир. Ушбу гурух кескин архитектуравий гояларнинг манбаи ва муаллифи сифатида XX асрнинг 2–ярмидан (1960–йилдан) фаол ишлай бошлаган. Ёш архитекторларнинг лойихалари, яъни ушбу гурух катнашчиларининг ишлари асосан архитектуранинг "Модернизм" даврида яратилсада,

бироқ ўша давр учун муқум бўлган техницизмга кўп жихатдан қарама—қарши бўлди. Улар шахар "мегоструктура"сини яратиш масаласида буткул ўзгача ёндошув қилдилар (2 —расм) [5].



**2-расм.** "Аркигрэм" гурухи таклиф килган "Plug-in City" ("Эхтирослар шахри") лойихаси [8].

Ушбу лойихада доимий ўзгариб турувчи архитектура ғояси илгари сурилган бўлиб, бундай шахарнинг муайян чегараси йўқ, функциялар эса бириккан. Худди шундай ғояни "Япон авангардистлари" деб аталган меъморий-ижодий гурух ишларида хам кўриш мумкин. "Аркигрэм" ўзининг ҳар бир ишида "ноаниклик" фалсафасини илгари суриб, таклиф этилаётган меъморий образларда доимий ўзгариб туриш, муайян тўхтовнинг йўқлиги, яъни уларда архитектуранинг макон ва замон талабларига доимо мос тарзда шаклланиб бориши ва ўсиш ғояси сингдирилган. Бу гурухнинг якуний максади архитектурани дематериализациялаштириш, яъни уни исталган мухитга мослаштириш ва бошқариш, унга ўзини-ўзи шакллантириш имкониятини беришдир [6].


Архитектурада синергетикани қўллашнинг ўта мос услуби—бу меъморий композицияларни фазовий ташкиллаштириш ва шакллантиришнинг "фрактал"лар услубидир. Хўш, буни қандай тушуниш мумкин? Бунинг учун келинг "фрактал" сўзининг маъносига эътибор берайлик.


Фрактал-бу ҳар қандай организм ёки структура, шакл ёки композициянинг ўзини ўзи шакллантириш тамойилидир. Бу қонун аслда кўпроқ жонли табиатга, яъни биоорганизмларга хосдир. Бирок, ундан нафакат биология фани, балки бошқа фанлар ҳам фойдаланиши мумкин. Масалан, табиатда ўсимликлар, дарахтлар, буталар, гулларнинг ривожлани-ши ва шаклланишида фракталларга хос қонуният

мавжуд: симметрия, яхлитлик, асосий шаклларнинг устунлиги, ривожланишдаги ритм, шакллар пропорционаллиги ва мутаносиблиги [7]. Худди шу қонуният архитектуранинг визувал шакланишига хам хос хусусиятлардир.

Цви Хекер архитектурада образни шакллантириш композициясига кура ғайри табиий бўлган меъморий объектлар муаллифи бўлиб, у меъморчиликда синергетиканинг фрактал хоссаси (услуби)ни онгли равишда қўллашни ўз ишларида намоён этган [9]. Бунда у объектларни куриладиган жойга мослаштириш масаласини анъанавий усулда қолдиради. Масалан, у Исроилда Рамат-Ган шахрида қурилган Сиперал Уй шаклини яратишда анъанавий терраса усулини қўллайди (3-расм).







3-расм. Исроил. Ромат-Ган шахридаги Спиралсимон Уйнинг турли кўринишлари [10].

Бирок, ушбу архитекторнинг лойиха устида ёндошуви ноанъанавийдир. лойихани амалиётга жорий этгунга қадар объектга тинмай ўзгартиришлар киритиб боради ва унинг бу иши худди хайкал устида ишлаётган ижодкорга ўхшайди. Спирал Уй ғояси жуда содда ва шу боисдан ўзгартиришлар жуда мураккаб ҳам бўлиши мумкин. Бино гўёки уй пропорциясигача катталаштирилган винтсимон зинапояни эслатади. Бу уйга 10 йиллар давомида кутилмаган ўзгаришлар, қўшимчалар


киритиб борилган. "Биз, бу уйдаги балконлар, зинапоялар ва бошка элементларнинг кандай кўринишга эга бўлишини олдиндан аниқ билмаганмиз", деб ёзади муаллифлар [9].

Дархакикат, бу уйнинг архитектурасига диққат билан қарар экансиз, унда ғайритабиий тирик организм тимсолини ва ночизикли мураккаб тизимнинг меъморий ечимини курасиз. Мана сизга архитектурага синергетик ёндошув, образнинг эса ўз-ўзидан ташкиллашуви, унинг доимий ўзгарувчан био организмга ай-

Ушбу архитекторларнинг янада оригиналрок таклифи - бу Берлин шахрида амалга оширилган Хайнц Гэлински мактабининг биноси бўлиб, унинг меъморий образи худди очилаётган гулга, гулнинг барглари эса мактаб ички хаётини ташқи мухитдан гўё беркитаётган кўринади (4-расм). Бу бинони яратишда Хакер шаклланишнинг табиатга хос фрактал принципидан фойдаланган [1].







4-расм. Германия. Берлиндаги Хайнц-Гэлински мактаби (1990-1995 йй.) [11].

Америкалик архитектор Чарльз Женкс архитектурада ижодий ёндошувларнинг турлича бўлиши ва бир-бирига мослашиши мумкинлигини айтиб, очик мухитларни ландшафт ташкиллаштириш бўйича ўта ғаройиб лойихаларни ишлаб чиққан. У замонавий санъатнинг Шотландия миллий кўргазмаси учун ўзига хос—"Космик ҳайёллар ва туйғулар боғи"ни лойиҳалаб, унда жонли табиат ландшафти ва коинот ҳамда фан ва математика ҳамкорлигини акс эттира олган [1] (5—расм).





**5-расм.** Шотландия. Чарльз Женкснинг "Космик ҳаёллар ва туйғулар боғи" [1].

Унинг ижоди математик хисобларга асосланган фрактал шакллантиришни ёркин рангларда акс эттиради. Муаллиф денгиз тўлкинлари ва эврилишлар, пўлат спирал шакллардан ритмик қаторлардан нафақат боғнинг режавий ечимида, балки металл спираллардан ишланган улкан боғ ҳайкалларини ва ҳатто боғнинг майда манзаравий деталларини (масалан, боғ тўсиклари ва кўприкларини) яратишда ҳам фойдаланади.

Йирик Сингапур кўли ёнидаги мавжуд паркда курилган (6—расм) соябонсимон дов дарахтларга ўхшаш ушбу иморатлар бу ердаги боғ ғоясини ривожлантириш ва бўрттириш, ушбу соябонлар устида экзотик типдаги ўсимликларни ўстириш ва томоша қилиш мақсадида махсус оранжереялар ва ресторанлар ташкил қилиб, уларда дам олиш, ушбу парк чиройи ва ландшафтидан, "дарахтлар" ансамблидаги аттракционлардан завқланиш учун мўлжалланган. Сингапур боғининг ушбу "дов—дарахтлари" дунёдаги энг чиройли иморатлар деб тан олинган.

Ўзбекистонда ҳам Замонавий архитектура ва Келажак архитектурасини яратиш ва бунёд этишнинг янги йўллари ва тамойилларини шакллантириш вакти келди деб ўйлайман. Бу масалада бирор натижага эришиш учун архитектурада синергетик ёндошувни ривожлантириш, ҳажм—фазовий шакллантиришнинг янги услуби бўлган фракталлар назариясини кўллаш ва кенгайтириш зарур. Бирок шуни айтиш керакки, ҳозирги замон ва Келажак архитектура-

сининг қандай бўлишидан қатъий назар у бутун дунё меъмориятининг тарихий тамаддуни ва илдизларини, унинг тарихий ривожланиш конуниятлари ва қадриятларини унутмаслиги керак. Бу орқага кетиш эмас, балки ривожланишдир, чунки умумдунё меъморияти, тарихи нечаминг йиллар давомида турли минтақаларнинг курилиш ва иқлимий шароитларига мос, ўзини оқлаган "муқим меъморий стереотиплари"ни яратиб келган. Масалан, иссиқ иқлимли ўлкалар архитектурасида "Сув ва соя" қонуни, "Очиқ ва ёпиқ яшил мухитлар муштараклиги" ва бошқалар.



**6-расм.** Сингапурдаги мавжуд шахар боғи мухитига уйғунлашган биоархитектуравий "дов—дарахтлар". 2012 йил.



**7-расм.** Архитектурада "Био-тек" йўналиши. Стиллаштирилган сунъий "пальма дарахтлари"ни жонли табиат муҳитига уйғунлаштириш.

Менинг ишончим комилки, келажакда синергетика архитектурада бошқа соҳаларга кўра тезроқ ва кўпроқ қўлланилиши мумкин. Чунки, архитектура шундай соҳаки, унда бир қанча фанларнинг ютуқлари ўз аксини топиши керак. Бусиз мумкин эмас. Масалан, санъат, технология, теника, биология, социология, экология, муҳандислик инфраструктураси ва бошқалар. Ҳозирнинг ўзида олимлар табиатда ўсимликларнинг ўсиши ва биноларнинг қурилиш жараёнларини бир—бирига таққослаб ўрганмоқдалар ва бу жараёнлардаги ўхшашликларни очиб

беришмокда. Бу эса замонавий архитектоника тамойилларини ўрганишда янги йўналишларни юзага чиқармокдаки, уларда ҳам синергетика фани услубларининг роли каттадир.

Сўзимнинг охирида шуни айтишим керакки, нафакат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ҳам архитектуравий синергетика масалалари билан ёки синергетика илмий усулларини архитектура фанида кўллаш билан шуғулланаётганлар сони жуда кам. Шунга қарамасдан биз синергетиканинг усулларини архитектура илмида қўллашимиз зарурки, у бизга катта имкониятлар эшигини очиб бериши муқаррардир.

#### Адабиётлар:

- 1. Витюк Е.Ю. Архитектурная синергетика: предпосылки возникновения новой парадигмы. Интернет материали.
- 2. Бабич В.Н. Принципы синергетики в архитектуре.//Архитектон: Известия вузов.–2008,–№ 21.

- 3. Хакен Г. Синергетика.-М.: Мир, 1980.
- 4. Фесенко Ф.Е. Научное прогнозирование в архитектуре и градостроительстве макроисторический и синергетический подходы. //Эстетика архитектуры дизайна: материалы Всерос. науч.—прак. конф.—М.: Архитектура—С, 2010.
- 5. Велев П. Города будущего.–М.: Стройиздат, 1985.
- 6. Sadler Simon. Archigram. Architecture without architecture.//S. Sadler.-London: The Mit Press, 2005.
- 7. Уралов А.С. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш.—Самарқанд, 2003.
- 8. ARCHIGRAM. Официальный сайт мастерской [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.archigram.net/index.html.
- 9. Цви Хекер. Официальный сайт мастерской [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.zvihecker.com
  - 10. htt://tourism-il.livejournal.com/3362844.html
- 11. htt://www.frcspace.com/arhitectc/zvi\_hecker/he mz\_galinski/inde.html.

## АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ИННОВАЦИЯ ВА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР



Салимов Орифжон Муслимович — архитектура фанлари доктори, профессор. 1973 йил СамДАҚИнинг «Архитектура» факультетини битирган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Шарқ мамлакатлари халқаро архитектура академиясининг академиги, 200 дан зиёд илмий ишлари чоп этилган, 20 дан ортиқ илмий-ижодий ишлар муаллифи, 30 дан ортиқ монография, дарслик, ўкув ва услубий қўлланмалар нашр этган. 100 дан ортиқ юқори малакали мутахассислар тайёрлаган.

Статья посвящена приоритетным направлениям приспособления памятников архитектуры Узбекистана на основе зарубежного опыта, как одной из прибыльной отрасли экономики.

Paper is devoted to priority directions on the adaptation of monuments of architecture of Uzbekistan on the basis of foreign experience, as one of profitable branch on economy

XIX асрдан XXI-асргача архитектура ёдгорликларини саклаш бўйича янги йўналишда ўтган ривожини камрайди, мазкур даврлар ривожидаги ўзига хос хусусиятларни, услубий ва бадиий махорат таснифини, фан ривожининг шаклланиш тамойилларини хамда Республикамиз мустакиллиги йилларидаги ижтимоийсиёсий хаётнинг архитектура ёдгорликларининг шахарсозлик билан ўзаро боғликлигини ифода этиб келмокда.

Хозирги кунга келиб, Ўзбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий-маърифий алокалар ўрната бошладилар. Натижада юртимизга илғор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади. Шулар қаторида, жахондаги прогрессив педагогик технология деган тушунчалар ҳам кириб, педагогик жамоатчилигимиз фикрини чулғаб олди. Охирги йилларда, Рос-

сия билан Ўзбекистонда педагогик технологияни ўрганиш йўлида анча ишлар килинди. Шу жумладан, Ўзбекистон олимлари билан хамдўстлик давлатлари ўртасида хам педагогик технологияларнинг лойихаларини тузиш бўйича анча ишлар килинди.

Олий таълим муасасаларида бўлажак кадрларни қайта тайёрлаш ва юкори курс магистратура талабаларининг билим олиш фаолиятларида ёш архитектор кадрларни янги замонавий талаб даражасида тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, архитектура ёдгорликларини келажак авлодга етказиш борасида ва тарихий обидаларни муносиб равишда қадрлай оладиган даражада тайёрлашдан иборатдир.

Олий педагогик таълим тизимида талабаларда касбий педагогик кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш жараёни тизимли, мажмуавий ёндашувни тақозо этади. Дарҳақиқат, бўлажак мутахассиснинг чуқур билим ва самарали фаолият юрита олиш махоратига эга бўлиши маълум фан асослари борасида унга етарли назарий ва амалий билимларни бериш хисобига кечмайди. Шу боис бўлажак мутахассисни тайёрлашда ўкув ва махсус фанларни ўкитиш жараёнида, шу жумладан "Архитектура" фанини ўкитишда ҳам фанлараро алоқадорлик, назария ва амалиёт бирлиги, назарий билим, шунингдек, амалий кўникма ва малакаларнинг динамикасини инобатга олиш, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланишга аҳамиятнинг қаратилиши мақсадга мувофикдир.

Илмий, амалий ва назарий ахамиятта молик ушбу муаммо Ўзбекистонда жойлашган архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, қайта тиклаш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланишга боғлиқ бўлиб, республика фанлари ривожланишининг асосий устувор йўналишларидан бири. Ушбу муаммолар ечимининг асосий мақсади Олий Мажлис томонидан 30.08.2001 йилда қабул қилинган "Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш" бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалда тадбиқ этиш учун иқтисодий даромад соҳаларидан бири бўлган халқаро туризм учун кенг кўламда фойдаланиш йўлида илмий концепциялар яратишга қаратилган.

Архитектура ёдгорликларини қайта тиклаш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича илғор хориж тажрибалари, ривожланган давлатларда ёдгорликлардан замонавий мақсадларда фойдаланиш тизими ва унинг ўзига хос жихатлари ёритиб берилиши лозим.

Маълумки, "Архитектура" йўналишида ўкув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш, архитектура ва шаҳарсозлик бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш, назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат бўлиб, хорижий давлат университетларида ҳозирда фойдаланилаётган шаҳарсозлик дастурлари тўғрисида тушунчага эга бўлишлари шарт.

Ёдгорликларни қайта тиклаш ва улардан турли мақсадлар учун — дам олиш, туризм ва шу кабилар учун фойдаланиш чет эл тажрибаси ибратлидир. Генуя, Милан, Урбино (Италия), Йорк, Честер, Бэт, Чичестер (Англия) каби тарихий шахарлар бош планлари катта

қизиқиш уйғотади, унда лойихаолди тадқиқотларида қизиқарли усуллар қабул қилинган.

Чет давлатларда ўтказилган қатор ишларни таққослаш шуни кўрсатмоқдаки, дастлабки тадқиқотлар хажми қанчалик катта бўлса, шунчалик улар пухта амалга оширилган, айниқса лойихавий таклифлар асосланган ва самарали бўлган. Чет эл тажрибасига мурожаат қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, бинолардан музей мақсадидан ташқари кутубхоналар, ўкув ёки концерт заллари, меҳмонхоналар, туристик мажмуалар, турар жойлар, кафе ва ресторанлар учун фойдаланадилар.

Европа меъморий ёдгорликларининг аксари кисми канчалик маданий-окартув максадларда фойдаланилса, туризм ва дам олиш учун хам шунчалик фойдаланилади. Бундай объектларнинг юксак эстетик киймати кўплаб туристлар учун, уларни янада жозибадор килиб кўрсатади, шундай экан улар янада даромадли бўлади. Охирги йилларда чет элдаги тарихиймеъморий ёдгорликларни саклаш ва улардан замонавий максадларда фойдаланиш муаммосини хал этиш, алохида объектларни шахар мажмуасида кўриб чикишдан иборат.

Россия ва Европа давлатларида архитектура ёдгорликларини тиклаш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланишнинг катта тажрибаси тўпланди. Иккинчи жахон уруши даврида вайрон бўлган Варшава, Берлин, Белград, Киев, Новгород, Псков шахарларини тиклаш ва куришда; Суздаль, Ростов, Несебер, Тирново, Дрезден, Торун кўрикхона-шахарларини кайта яратишга эришилди ва шунинг учун бу сохадаги барча муаммоларнинг деярли бутун доирасини қамраб олади.

Бу жихатдан Москва, Киев, Чернигов, Загорск, Суздаль, Каменец-Подольский, Таллин, Вильнюс каби меъморий меросдан фойдаланишга комплекс худудий-фазовий ёндошув амалга оширилган шахарлар реконструкцияси энг яхши намунадир. Йирик ишлардан бири-"Олтин халка" ("Золотое кольцо") мажмуаси. Унда тарихий - меъморий меросдан фойдаланиш муаммосининг ривожи, шахарлар тарихий мухитининг ечими яхлит тарихий районларни ва композицион бир бутунликни саклаб колиш, муҳофаза зоналарини аниқлаш кўзда тутилган. Тарихий худудлар алохида, кўрикхона зоналарига ажратилагн ва туристик хамда маданиймаърифий мақсадлар учун фаол фойдаланилади.

Суздалда туристларни жойлаштириш учун Покров монастири хоналаридан, шунингдек Ризположенск монастири ичидаги бино хоналаридан фойдаланиш мўлжалланган. Покров

монастири мехмонхона учун мослаштирилган, монастирнинг фазовий кенглигини, унинг ритмини ва атрофдаги асосий ёдгорликлар худудини дастлабки кўринишидагидек сақлаб колиш мақсадида монастирнинг илгариги хужраларига мехмонхона номерларини (хамма замонавий қулайликлар билан) жойлаштириш мўлжалланган. Бундай ечим бирдан-бир тўгри ечим эди.

Савдо ва овкатланиш жойлари, асосан фойдаланишга мослаштирилган савдо каторлари биноларида, эски кўчадаги магазин-дўконлар системасида ва Ризположенск монастирида жойлаштан. Музей объектлари шахарнинг хар ерига жойлаштирилган. Асосий музейлар Кремлга ва якин атроф худудига (Воскресенск черковига) жойлаштан. Кремлга якин жойда очик осмон остида ёгоч хунармандчилиги музейи ташкил килинган. Таъмирлашдан сўнг Спасо-Евфимиевск монастири иншоотлари музейлаштирилган.

Праганинг (Чехия) Градчанидаги «Прага бахори» (Пражская весна) авлиё Вита ибодатхонаси интерьери плакат, пардалар, кушимча ёритишлар куринишида безатилган. Органнинг борлиги черков ёки ибодатхонага янги вазифазамонавий концерт зали вазифасини куяди. Бундай холда фойдаланишга мослаштириш ишлари иложи борича камайтирилади: баъзида томоша зали ориентацияси ўзгартирилади ва кириш жойида кушимча хоналар ташкил қилинади (Ригадаги Домск ибодатхонаси).

Эрмитаж саройлари ва Санкт-Петербургдаги Петродворец музей ва картиналар галереяси, Фонтанкадаги Юсуповск саройи-ўкув муассасаси, Мойкадаги Юсупов саройи ўкитувчилар уйи, Конногвардия манежикўргазма зали, Казанск ибодатхонаси - дин ва атеизм музейи сифатида фойдаланилади. Худди шу тарзда Балтика, Прикарпатье (Львов, Свирж, Городенка), Шунуайр (Арманистон) тоғли қишлоғининг кўп ёдгорликларидан, Грузия, Украина (Киев, Чернигов) меъморий ёдгорликларидан фойдаланадилар. Чет давлатлардаги меъморий ёдгорликларни фойдаланишга мослаштириш намунаси сифатида Львовдаги (Украина) авлиё Юра ибодатхонасини келтириш мумкин.

Туризм муассасаси учун бутун бир тарихий мавзе (асосан турар жой иншоотлари) банд булган Алтшадтдаги (Германия) туристик мажмуанинг ечими жуда кизик. Катта ҳажмли жойлар (турли вазифадаги заллар) қайта планировка қилинмаган - уларга савдо заллари, ресторан, кафелар жойлаштиришган (ички ҳовли ҳам шу мақсадда фойдаланилган). Тузи-

